

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Фракция партия ғояларини амалга оширишда асосий куч

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзДПнинг 29 нафар депутатдан иборат фракцияси фаолият кўрсатаёти. Фракция қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида электротан манфаатларини ақс эттириш учун курашмоқда, аҳолини ижтимоий муҳофазасига қаратилган тегишли қонун ва давлат дастурлари устидан депутатлик ҳамда парламент назоратини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, 2010, 2011, 2012 йилларда парламент томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси юзасидан назорат-таҳлил ишларини олиб борди.

Фракция ташаббуси билан 2011 йилнинг ноябри ҳамда 2012 йилнинг сентябрида бу масалалар бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазасига

қилиш вазирининг ахбороти асосида Қонунчилик палатасида парламент эшитувлари ташкил этилди.

Парламент эшитувлари якуни бўйича ишлаб чиқилган аниқ чоралар бандлик дастурлари ижроси кўрсаткичларини яхшилашга ҳизмат қилди.

Айни пайтда фракция электротан манфаати ҳимоясига қаратилган ташаббусларини изчил давом эттирмоқда.



Истиқлол иншоотлари



Қорақалпоғистон Республикаси

Байрам арафасида 2 та замонавий болалар спорт мактаби, 5 та Қишлоқ врачлик пункти, 550 та намунавий уй-жойлар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. 7 та мактаб реконструкция қилинди ва 19 таси капитал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 5 та коллеж ва лицейлар реконструкция қилинди ва 9 таси капитал таъмирланди. 5 та мактабда спорт зали ва 1 та касб-хунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди.

Тошкент шаҳри

Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жорий йилнинг инвестиция дастурига асосан 141 миллиард 202 миллион 563 минг сўмлик бунёдкорлик ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Ушбу маблағлар ҳисобида 80 та объектларда бунёдкорлик, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган. Шу вақтгача 32 та объект фойдаланишга топширилди. Истиқлол байрами арафасида яна 18 та объект топширилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, 28 та мактаб, касб-хунар коллежи ва академик лицейлар капитал таъмирланди ва 9 таси реконструкция қилинди.

Бухоро вилояти

150 га яқин объект ва иншоот фойдаланишга топширилмоқда. Байрам арафасида барча зарур жиҳозлар билан таъминланган 4 та мактабда замонавий спорт заллари қурилди. Шунингдек, 21 та мактаб реконструкция қилинди ва 10 таси мукаммал таъмирдан чиқарилди. Шу билан бирга 5 та касб-хунар коллежи ва 1 та академик лицей мукаммал таъмирланди ҳамда академик лицей қошида 160 ўринли ошхона қурилди. Шунингдек, намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар ўз эгаларига топширилиб, уй тўйлари ўтказилмоқда.

Фарғона вилояти

200 га яқин объект ва иншоот барпо этилди. Айниқса, улар орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кўпчилигини ташкил этади. Қўқон шаҳридаги Алишер Навоий номи, Навбахор, Сарбоз кўчаларидаги савдо шохобчалари аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Чилонзор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида майдони 1500 кв.м бўлган сунъий қопламали футбол майдони қурилди. Фарғона шаҳрида 34 та ва Ал-Фарғоний кўчасида 3 та кўп қаватли уй-жой ҳам ўз эгаларига топширилди.

Тошкент вилояти

200 дан ортиқ объект ва иншоот фойдаланишга топширилмоқда. Байрам арафасида 6 та мактабда замонавий спорт заллари қурилди. Барча қўлайликларга эга 1 та касб-хунар коллежи янгидан бунёд этилди. Шунингдек, 2 та касб-хунар коллежи, 11 та мактаб, 3 та мусиқа ва санъат мактаби, 2 та соғлиқни сақлаш объекти ҳамда «Мурувват» ва «Саховат» уйи реконструкция қилинди. 11 та мактаб ҳамда 9 та касб-хунар коллежи қайта таъмирдан чиқарилди. Бир қатор савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари бунёд этилиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Байрам арафасида намунавий лойиҳалар асосида қурилган 195 та уй-жой эгаларига топширилди.

Самарқанд вилояти

200 га яқин объект ва иншоот барпо қилинди. 2 та мактабда замонавий спорт заллари қурилди. Шунингдек, 4 та болалар мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилди. 1 та касб-хунар коллежи қад ростлади. 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилар ихтиёрига топширилди. 26 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси бунёд этилиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда. 6 та савдо ҳамда 4 та маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари ўз фаолиятини бошлади.

Сурхондарё вилояти

226 та иншоот ва объект бунёд этилди. Шундан 93 таси ижтимоий соҳа объектларидир. Жумладан, 18 та мактаб, 10 та касб-хунар коллежи, 4 та соғлиқни сақлаш муассасаси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Термиз шаҳрида «Юбилейний» савдо маркази, «Шимолий дарвоза» савдо уйи ҳамда марказий кўча ёқаларида 50 та кўп қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш марказлари қурилиши ниҳоясига етмоқда. Шаҳарнинг Мустақиллик майдонида қиймати 470 миллион сўмлик мусиқали фаввора ишга туширилди. Шунингдек, туманларда ҳам 20 та савдо шохобчаси ҳамда 36 та маиший хизмат кўрсатиш объекти қурилди.

Бизнинг лойиҳа

«Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази»

Маҳалла миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни асрлар оша авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирадиган маскандир. У азалдан тинчлик-тотувлик, меҳр-мурувват, ҳамжиҳатлик қўғони ҳисобланган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтган 2012 йилдан «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси тизимли равишда амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳадан қўзланган асосий мақсад маҳаллаларга чуқур кириб бориш, аҳоли, айниқса, партия электорати вакиллари билан мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалалар мониторингини ташкил этиб, вакиллик органлари орқали ўз жойида ҳал этишдан иборатдир. — дейди ЎзДП Марказий Кенгаши масъул ходими Акмал Турсунбоев. — Лойиҳа босқичма-босқич амалга оширилаяпти ва жорий йилнинг ярмида ўтказилган 10 га яқин тадбирда 2 500 нафарга яқин

партия электорати вакиллари иштирок этиб, ўзларини ўйлантираётган 200 дан ортиқ масала юзасидан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларга ва ҳамкор ташкилотлар вакилларига саволлар билан мурожаат этишди, турли ижтимоий масалаларни ҳал этиш юзасидан тақлиф ва мулоҳаза билдиришди. Уларнинг 85 фоизга яқини ижобий ҳал этилди.

Мақсуд тақлифлар асосида бугунги кунга қадар Марказий Кенгаш иштирокида Сирдарё, Тошкент, Наманган, Фарғона вилоятларида бир қатор амалий тадбирлар ташкил этилди.

Ушбу лойиҳа доирасидаги тадбирлар йил охирига қадар изчил давом этади.

Басандобону ЖАЛИЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

Мен қарийб 30 йилдан буён ешларга информатика фанидан сабоқ бериб келаман. Соҳа тараққиётига қаратилаётган катта эътибор туфйли фаолиятимнинг сўнги 20 йили анча самарали кечди, деб айта олам.

МУАЛЛИМ: ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗ, ЭЪТИРОМ

Айни пайтда дунёда юз бераётган кашфиётлар, фан-техника ютуқлари ҳамда соҳадаги янгиланишлардан бир зумда хабардор бўлиш имконияти бор. Яратилган шароитдан фойдаланиб, ўзим ҳам турли изланишлар олиб бордим, янги ўқув қўлланмалар устида ишладим. Ўқувчиларга замонавий технологиялардан фойдаланишнинг энг содда йўналишларини ўргатишга ҳаракат қилдим.

Хусусан, 2008 йилда ахборот технология қурилмаларидан оптимал фойдаланиш бўйича, 2012 йилда таълим жараёнида педагогик технологияларни жалб этишга бағишланган илмий-усулбий қўлланмаларни ишлаб чиқдим. Бугунги кунда улардан кўплаб таълим даргоҳларида фойдаланилмоқда.

Истиқлол бизга ҳақиқатан ҳам кўп нарсалар берди. Мен оддий қишлоқ ўқитувчиси. Ўқувчиларим билан биз энг сўнги русумдаги компьютерларда турли дастурлар, математик ечимлар, мурраккаб системалар устида ишлаймиз. 22 йил илгари буни ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

(Давоми 2-бетда.)

Диққат янги рукн: Мустақил Ўзбекистон фарзандлари

Давримиз даҳолари

Искандар Мамадалиев 11 ёшда. Бугунги кунгача у беш марта нуфузли халқаро танловлар ғолиблиги ҳамда Гран-присини қўлга киритди

Искандар 2002 йил 24 январда Тошкент шаҳрида туғилган. Успенский номидаги Республика махсус академик лицейининг 5-синфиди ўқийди.

2011 йил Искандар Италиянинг Барлетта шаҳрида ёш пианиночиларнинг «Cita di Barletta» халқаро танловида бир йўла учта «Мутлак тенгсиз», «Европа мусикасининг энг зўр ижроси», «Томошбин меҳрини қозонган ижрочи» номинациялари бўйича ғолиб деб топилди.

2012 йил февраль. Искандар Американинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган пианиночиларнинг халқаро «Piano and Strings Competition», «American Protege» интернет танловида 1-ўринга сазовор бўлди.

2012 йил июнь. Искандар Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган ёш пианиночиларнинг «Piano Talents» иккинчи халқаро танлови ғолиби бўлди. Шунингдек, у «Мутлак тенгсиз» дея эътироф этилди.

2013 йил май. Искандар Италиянинг Перуджа ҳамда Барласина шаҳарларида ўтказилган халқаро танловларда қатнашиб, иккаласида ҳам Гран-прини қўлга киритди. Мазкур танловда Америка, Хитой, Россия, Украина, Германия, Италия, Япония, Голландия, Жанубий Корея каби ўлтизга яқин давлатдан 17 ёшгача бўлган пианиночилар иштирок этишди.

Искандар уларнинг ичида энг ёши, энг



истеъдодлиси, энг тенгсиз эди. Танлов якунлангач, ҳайъат аъзолари Искандарнинг истеъдодини бриллиантга қиёслашди. Уларнинг фикрига қараганда Ўзбекистонлик Искандар Мамадалиев 16-17 ёшида дунёнинг энг зўр пианиночиси бўлиб етишди. Фаррух ҲАМРОЕВ



Гулнора МАВРУФОВА,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти соҳиби:

Мен нега ЎзДПни танладим!?

— Мамлакатимизда бўлаётган янгиланиш жараёнини мунтазам кузатиб бора-ман. Ўзгаришларнинг тўб моҳиятини анг-лаш, мақсадини тушунишга ҳаракат қи-лам. Айниқса, кейинги йилларда демок-ратик жараёнларни чуқурлаштириш, сиё-сий партиялар фаолиятини кучайтириш-га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бо-рада қатор қонунлар қабул қилиниб, улар жамиятда фикрлар, қарашлар хилма хил-лигини ривожлантиришга хизмат қилая-пти.

Бир масалани ечиш учун турли ёнда-шувларнинг илгари сурилиши, ҳар хил фикрларнинг билдирилиши демократия-нинг муҳим белгиларидан биридир. Бу жуда қизиқ жараён. Бирор бир масала, воқеага нисбатан ҳар хил фикрларнинг билдирилиши, турли позицияларнинг ил-гари сурилиши, ўртада баҳс-мунозара бўлиши энг тўғри йўлни танлаб олишга хизмат қилади.

Мен ҳам келгусида ана шу жараёнларда фаол иштирок этишга қарор қилганман. Ўзоқ вақт кузатувлардан сўнг, фикрларим ғояларига мослиги сабабли Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлдим. Партиянинг Сайловолди дастури, мақ-сад ва вазифалари билан яна бир бор яқиндан танишар эканман, орзуларимга эришиш ишончи янада мустаҳкамланди. Жамиятда ижтимоий адолат таъминлла-рини қарор топтириш, аҳолининг қўмакка муҳтож қатлами, жисмоний имконияти чекланган кишилар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий сий-ҳара-катлари ЎзДПга бўлган интилишимни янада оширди.

Келажақда танлаган соҳам бўйича етук мутахассис бўлиб, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш нияти-даман.

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА

миллий парламентимизнинг ўрни

Давлатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Қарорда белгиланган вазифалар ҳаммамизнинг ҳаётиимиз, фаолиятимиз билан ўзвий боғлиқ. Ушбу муҳим ҳужжатда мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз ижтимоий муаммолар гирдобидида қолиб кетган бир пайтда вазиятни ижобий томонга ўзгартиришга қаратилган ислохотлар моҳиятини очиб бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу ўринда мустақиллиқнинг биринчи кунларидан ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этилишининг қонуний асосларини мустаҳкамлаган миллий парламентимиз фаолиятига тўхталиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Мамлакат мустақиллигини қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Олий Кенгаши, (мустақиллиқнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Олий Кенгаш деб аталарди) яъни миллий парламентимиз ўша кунларда мамлакат ва халқ манфаатларини ҳимоя қилди.

Миллий парламент шаклланишида пойдевор бўлиб хизмат қилган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг зиммасига ҳаёт, даврнинг ўзи ўта масъулиятли ва шарафли вазифаларни юклаган эди. Шундай қилиб мураккаб шароитда миллий давлатчилик пойдеворини яратиш ҳамда янги, адолатли жамият барпо этишга киришилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўн иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрда бўлиб ўтган XVI сессиясида сўзлаган

нутқида шундай деган эди: «Ўзбекистон парламенти ўз вазифасини шараф билан адо этди. Давлатчилигимиз, иқтисодий ислохотлар ва умуман янги ҳаёт биносига тамал тошларини қўйиш сизларга — мана шу муқташам залда ўтирган инсонларга насиб этди. Бу — катта бахт».

Ўзбекистон тараққиётининг тўғри танланган ўзига хос йўли — «ўзбек модели», мақсад вазифаларнинг пухта, аниқ белгилаб олиниши, шу мақсадларга эришиш йўлида Президент, парламент ва Ҳукумат томонидан амалга оширилган оқилона тadbирлар бизга тинчлик, тотувлик бахш этди, халқимизни жиқс-лаштирди. Зиддиятли даврлардан омон-эсон олиб ўтди. Мам-

лакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлади. Ўзбекистонни жаҳон миқёсига олиб чиқди.

Парламент томонидан 1989-1994 йиллар давомида 200 га яқин қонун ва 500 га яқин қарор қабул қилинди. Собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик институти жорий қилинди. Республика Олий Кенгаши мамлакат тарихида биринчи бор Президентни сайлади. Собиқ шўролар давлатининг таъсири мутлақ барҳам топмаган бир вақтда Олий Кенгаш Мустақиллик декларациясини, Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги тўғрисида қонунни қабул қилди.

Мамлакат парламенти қонунчилик ва ташкилотчилик бора-сида изчил фаолият юритиб, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини ислох қилишга доир муҳим вазифаларни ҳал қилиб борди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги ва «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди. Демократиянинг асосий шарти бўлган сайлов тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини эътиборга олиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»-


ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги қонунларни қабул қилди. «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонун қабул қилиниши ҳам демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Олий Кенгаш томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»-ги Конституциявий қонун қабул қилиниши давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва демократлаштириш сари ташланган муҳим қадамлардан бўлди.

Ижро ҳокимияти мавқеи ва обрў-эътиборини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди. Жумладан, «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги қонун қабул қилинди. Унда ижро ҳокимиятининг ваколатлари ва масъулияти қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилди.

Миллий парламент Суд ислохотини ўтказишга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»-ги, «Судлар тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди, суд ҳокимияти органларининг ваколатлари ва масъулияти мустаҳкамлаб қўйилди.

Республика парламенти мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида халқимиз ишончи ва иродасини мустаҳкамлаш, истиқлол мафкурасини шакллантириш, маънавий қадриятлар, анъаналар, урф-одатларни тиклаш, миллий тотувликка, диний эркинликка эришиш ишларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади.



Абдуманно РАХИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

Республика парламенти мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида халқимиз ишончи ва иродасини мустаҳкамлаш, истиқлол мафкурасини шакллантириш, маънавий қадриятлар, анъаналар, урф-одатларни тиклаш соҳасида, миллий тотувликка, диний эркинликка эришиш ишларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади.

Олий Кенгаш, бир сўз билан айтганда, давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислох қилишнинг беш тамойилига асосланиб, барча соҳалардаги ислохотларга пойдевор бўладиган қонунларни қабул қилди. Бу қонунлар, таъбир жоиз бўлса, мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мустаҳкам асосларини яратиб берди.

Ўтиш даврида айрим қўшни мамлакатларда ҳукумат ва парламент ўзаро обрў ва нуфуз таллашиб, бир-бирини беобрў қилиб турган бир пайтда, бизнинг олий қонун чиқарувчи ҳокимиятимиз ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари ҳамжиҳатликда иш юритди.

2005 йилдан Олий Мажлис икки палатали шаклда фаолият кўрсата бошлади. Миллий парламентимиз қонун чиқарувчи олий ҳокимиятни амалга ошириб, мамлакатимизни тараққий эттириш, халқимиз ҳаётини фаровон этишининг мустаҳкам асослари бўлган қонунларни қабул қилмоқда.

Истиқлол иншоотлари



Сирдарё вилояти

100 дан зиёд янги объект ва иншоот барпо этилди. Байрам арафасида Гулистон шаҳрида «Милана-Д», Янгйер шаҳрида «Суперкиметекс», «Суперидеал», корхоналари ҳамда Оқолтин туманида «Сардобатекстил» қўшма корхонасига қарашли тикувчилик фабрикаси ишга туширилди. Шунингдек, вилоятнинг шаҳар ва туманларида 10 га яқин пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган корхоналар бунёд этилди.

Қашқадарё вилояти

200 га яқин янги объект ва иншоотлар очилиш тантаналари бўлиб ўтмоқда. Байрам арафасида барча зарур жиҳозлар билан таъминланган 7 та мактабда замонавий спорт заллари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 60 га яқин савдо соҳобчалари ва 30 дан ортиқ маиший ва сервис хизмати, умумий овқатланиш иншоотлари барпо этилди. Фузор туманида янги маҳалла гузари қурилди. Яққабғ туманининг 4 та массивида намунавий лойиҳа асосидаги 44 та уй-жойлар хонадон соҳибларига топширилди.

Хоразм вилояти

100га яқин объект ва иншоотнинг очилиш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Хазорасп тумани Питнак қишлоғидаги мева, सबзавот маҳсулотларини қуриштиш ва қадоқлаш корхонаси, «Маҳлиё текстил» МЧЖга қарашли тикувчилик, «Қўшқўпир савдо сервис» хусусий корхонаси ва «Хонка дон маҳсулотлари»га қарашли нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари фойдаланишга топширилиб, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бермоқда.

Андижон вилояти

208 та ижтимоий соҳа, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш объекти ишга туширилмоқда. Қўллаб-қувватлаш ва тиббиёт марказлари реконструкция қилинди. Шу билан бирга намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилмоқда. Шунингдек, Андижон шаҳрида мини футбол майдони ва спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. «Тол» ҳамда «Андижон ягона» масъулияти чекланган жамиятлари автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси, чойхона ва ошхона биноларини ишга туширди. Хонобод шаҳрида «Олтин водий текстил» масъулияти чекланган жамияти трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Балиқчида маҳалла гузари ҳамда мини футбол майдони барпо этилди.

Наманган вилояти

200 га яқин объект ва иншоот фойдаланишга топширилмоқда. Уларнинг 84 таси маҳаллий ҳокимликлар томонидан тасдиқланган лойиҳалар асосида бунёд этилди. Шундан 67 таси саноат, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, 60 таси қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, 15 таси қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар, 11 таси тиббиёт ва маданий соҳа объектлари ҳамда 9 таси замонавий спорт иншоотларидир.

Навоий вилояти

Бир қатор ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти ва иншоотлари фойдаланишга топширилмоқда. Жорий йилда қўллаб таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари реконструкция қилинди. Навоий шаҳрида 1 та кўп қаватли уй-жой қуриб битказилди. Қолаверса, қишлоқ ҳудудларида 200 та намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар ўз эгаларига топширилди. Шунингдек, муқташам ва замонавий Бахт уйи ҳам фуқароларга хизмат қилаёпти.

Жиззах вилояти

200 га яқин янги объект ва иншоот фойдаланишга топширилмоқда. Буларнинг 50 таси қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона. Яна 50 таси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, 41 таси эса ёнгил саноат корхонасидир. Шу билан бирга, замонавий мебель ишлаб чиқаришга мўлжалланган 9 та корхона барпо этилди. 29 та ижтимоий соҳа объекти ҳамда автомобилларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган 3 та корхона иш бошлади. 21944 та янги иш ўрни яратилди.



Ўзбекистон ХДП: факт ва рақамлар

— 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари сони 378227 нафарни ташкил этади. Уларнинг 42 фоизи аёллар, 30,5 фоизи 30 ёшгача бўлган кишилардир.

— Бугунги кунда ЎзХДПнинг 10150 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Яқинда БПТда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилди. Уларда 2500 дан ортиқ бошланғич ташкилотга янги етакчилар сайланди.

— Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига партияимиздан 286 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 2284 нафар депутат сайланган.

— Партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ўтган йил давомида аҳоли бандлиги билан боғлиқ 364 та масалани ўрганди. Шундан 116 таси партия гуруҳларининг йиғилишларида, 81 таси доимий комиссия мажлисларида муҳокама этилди. Шунингдек, 67 та масала сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди.

— Электрат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларга ижобий ечим топишда партиянинг Жамоатчилик қабулхоналари муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларга 2012 йилда жами 8 мингга яқин мурожаат бўлган. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ва кўлаб ҳамкор ташкилотлар кўмағида мурожаатларда кўтарилган масалаларнинг 72 фоизи ўз ечимини топган.

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШ, ИМКОНият

Дарҳақиқат, биз бахтиёр авлодимиз. Юртимизда ёшларнинг ҳар жиҳатдан камол топиши, замонавий билим, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилган. Бундан куч ва илҳом олиб, ўз устида тинмай ишлаётган, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланаётган йигит-қизлар бугун нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ҳам улкан ютуқларга эришяпти. Бу ҳақда деярли ҳар кун бир хушхабар эшитамиз.

Демак, бизга кўрсатилётган эътибор, ғамхўрлик ҳаётиимизда ўз аксини топиб, юртимиздаги бекиёс ўзгаришларга хизмат қилмоқда.

Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Йиллар, замоналар ўтади. Биз ҳали бундан-да улкан марраларни қўлга киритамиз. Бунда албатта, партияимизнинг ёш аъзолари ҳам муносиб ҳиссасини қўшиши керак. Шу нуктага назардан олиб қарасак, олдимизда қатор вазифалар турибди. Тенгдошларимизнинг турмуш тарзини, қизиқишларини доимий равишда ўрганишимиз, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тadbирларни изчил амалга оширишимиз зарур.

Партияимиз дастурий мақсадларини рўйбга чиқариш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда муносиб ўрнинимизни топиш ниятида қанот аъзолари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари билан ҳамкорликда ишлаяпти. «Истиқбол»чилар келгусида катта ишларни режалаштирган. Биз партияимиз фаолларининг гайрат ва изланувчанлик билан ўз устида мунтазам ишлашига, янги ғоя ва лойиҳаларни амалга оширишига, шу орқали Ватанимиз равангига ҳисса қўшишига ишонамиз.

Жамият олдидаги бурчини яхши англаб етган шахс сиёсатчи саналади. Шундай экан, ёш сиёсатчиларни шакллантириш учун биз тadbирларимизда ёш-



Феруза НИШОНОВА,
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти
Фарғона вилоят бўлими етакчиси

лар учун яратилган шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш йўллари кўрсатиб беришимиз керак, деб ўйлайман.

Ёш сиёсатчи жойларда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар ва муҳим қарорлар мазмун-моҳиятидан яқиндан хабардор бўлиши зарур. Демак, жойларда ёшлар учун депутатлар, эл-юрт назаридидаги кишилар билан учрашувлар ташкил этиш керак. Буларнинг барчаси сафимизда ёш сиёсатчилар кўпайишига хизмат қилади.

Муносабат

МУАЛЛИМ: ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗ, ЭЪТИРОМ

Камтарона хизматларим 2010 йили юқори баҳоланди. Менга Президентимиз фармони билан «Фидокорона хизматлари учун» ордени берилди. Бу эътирофни оқлаш мақсадида бор эътибор ва қучимни ишимни такомиллаштиришга, ўқувчиларга янада чуқурроқ билим беришга

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ҳаракат қилдим. Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида эса «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» деган юксак унвонга муносиб кўрилдим.

Мен бун юртимизда ўқитувчи зотиға, таълимға, қолаверса, келажақ авлод тақдирига ғамхўрлик, юксак эътибор намунаси деб биламан. Бундан кейин ҳам бор қучим ва били-

мимни, имкониятимни баркамол авлод тарбиясига, уларга ахборот-коммуникация технологияларини чуқур ўргатишдек шарафли ва масъулиятли ишга сарфлайман.

Уриш САФАРОВ,
Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Агробизнес ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, ЎзХДП фаоли.

Мустақиллик сабоқлари

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган тантанали маросимлардаги табрик сўзидан

1991 йил

Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республикамизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман.

1992 йил

Истиқлол ҳеч қачон, ҳеч қайси замонда осонлик билан қўлга киритилмаган. Мустақиллиқнинг бир йили — катта йўлнинг бошланиши, холос.

1993 йил

Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаън-шавкатини янада юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

1994 йил

Биз учун истиқлол — давлатимизни мустаҳкамлаш, буюк келажикимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фикримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир.

1995 йил

Бизнинг бугунги энг буюк вазифамиз ва муқаддас бурчимиз — Ўзбекистон тарихидан ўзимизга муносиб саҳифа очиш ва уни авлодларимиз учун ибрат бўладиган олижаноб ва савобли ишлар билан тўлдиришдир.

1996 йил

Беш йил баҳарият тарихида — бир зум, бир дақиқа, холос. Лекин шу қисқа даврда биз босиб ўтган масофа бошқалар ўн йиллар, балким асрлар давомида босган йўл билан тенг, десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

1997 йил

Ўзбекистон дунёга юз очди. Бизни бутун дунё таниди ва эътироф этди. Ўзимиз, ўз қўлимиз билан қурган мустақил давлатчилик пойдевори узра Ўзбекистон деб аталган юксак ва кўркем бино қад кўтармоқда.

1998 йил

Халқимизда «Етти қиш, етти ёзи омон ўтказган иморат асрлар бўйи салобат тўкиб туради», деган ҳикмат бор. Бугун Ўзбекистоннинг заҳматкаш ва бунёдкор халқи барпо этаётган мустақиллик иморати ҳам ана шундай мустаҳкам ва мангүликка дахлдор бўлиб қолажак.

1999 йил


Ҳар биримиз, Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим халқим, Ватаним учун, эл-юрт тараққиёти ва истиқболи учун нима қилмоқдан, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қандай хисса қўшмоқдан, деган туйғу билан яшашга эришмоғимиз даркор.

2000 йил

Ватан, эл-юрт қувончи, унинг ғам-ташвиши билан яшаш, эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш — ҳаётимизнинг маъно-мазмунига айланиши лозим.

2001 йил

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яқкаю ягонадир. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улғу туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.



2002 йил

Биз тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашга, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга азму қарор қилган эканмиз, бу юксак мақсад-муддосларга эришиш — биринчи галда ўзимизга, бизнинг ташаббус ва тadbиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдида фарзандлик бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.

2003 йил

Бугун биз амалга оширган улкан ишларимизга яқун ясаб, узоқ ва яқин атрофимиздаги ҳудудларда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан сабоқ ва ҳулоса чиқаришимиз, аввало нақадар нотинч ва мураккаб дунёда яшаётганимизни чуқур англаб олишимиз, буюк мақсадларимизга эришиш

учун ҳушёр ва сезгир бўлиб, азму шижоат билан ўз танлаган йўлимизни давом эттиришимиз зарур.

2004 йил

Биз учун ягона ва устувор мақсад — бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир. Бугун ёруғ юз билан айтишга ҳаққимиз борки, қанчалар қийин бўлмасин, биз бир кунлик ҳаёт билан яшаганимиз йўқ, келажак авлодимизнинг ризқи ва насибасига хиёнат қилганимиз йўқ.

2005 йил

Сиёсий, ҳарбий, иқтисодий омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи — миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир. Бу шундай буюк қудратки, тарихда бу кучга таяниб-суяниб, қўлаб халқлар энг мураккаб синовлардан, давр сурунларидан омон чиққан ва бошқаларнинг ҳавасини уйғотадиган эркин ва фаровон ҳаёт қуришга эришган.

2006 йил

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга бўйсунмаган ва ҳеч қачон ҳеч қимга қарам бўлмади.

2007 йил

Ўз олдимизга юксак марралар, узоқ ва давомли эзгу мақсадларни қўйиб яшашимиз, биринчи навбатда халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш доимо эътиборимиз марказида туриши зарур.

2008 йил

Бугунги салоҳиятимиз ва имкониятларимиз мустақиллигимизнинг биринчи йилларидаги

ҳолатдан ер билан осмонча фарқ қилади. Бугун бизнинг вазимиз ва салмоғимиз ҳам, куч-қудратимиз ҳам янада ошиб, Ватанимиз олдида янги уфқлар ва имкониятлар очилмоқда.

2009 йил

Шу муқаддас заминимизда яшаётган барча инсонлар учун ҳеч қимдан кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз.

2010 йил

Бу вазифа замон ўзгариши билан ҳар биримиздан дунёқарашимиз, онгу тафаккуримизни, сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни юксалтириш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш, содда қилиб айтганда, бу гўзал ва бетакрор юрт — мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечиравётган қувонч ва ташвишларим — меннинг қувонч ва ташвишларим деб, шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади.

2011 йил

Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида қамол топиш ҳар қимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар биримизнинг қалбимиздан, юрагимиздан жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин.

2012 йил

Мен ишонаман — асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзлигимизни англаш, инсоний шаънимизни, қадр-қимматимизни, ўз юртимизга эғалик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улғу айём Ватанимиз тарихида олтин саҳифа бўлиб, абадий сақланиб қолажак...



Интернет-табрик

АВВАЛО ВАТАННИ СЕВИШ КЕРАК


Даврон ТҲАТБОВЕВ,

Хиндистон:

— Хиндистон Маданий алоқалар консулигининг «Хинд-ўзбек маданиятлар алмашинуви дастури» бўйича грант асосида Карнатака штатида жойлашган Майсур университетидида тижорат йўналишида тахсил оламан.

Хорижда ўтказган уч йил ичида жуда кўп билим, кўникма ва тажриба орттирдим. Ватан, оила, маҳалла ва дўст каби туйғулар қадри қанчалик юқори эканлигини ҳис қилдим.

Майсурсга эндигина келган давримда бой маданий меросимиз, қадим маданиятимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз ҳақида ҳамма жойда, ҳаммага гапириб беришга ҳаракат қилдим. Халқаро тадбирларда, йиғилишларда Ватанимиз ҳақида тақдиротлар ўтказдик ва ўйлашганимизни муборакбод этаман. Юртимиз ҳаммаша обод, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



қилишади. Бугунги кунда универси-

тетнинг энг нуфузли коллежларида (Хиндистонда университет коллежлари бўлилади) ўзбек талабалари бор. Ҳаммамиз грант асосида тахсил оламиз ва ўқишни тамомлашга, бу ерда эгаллаган билимларимизни юртимизда татбиқ этиш ниятидамиз.

Истиқлолимизнинг 22 йиллик тўйи билан барча ватандошларимизни муборакбод этаман. Юртимиз ҳаммаша обод, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Маъмур ЖҲУРАЕВ,

Жанубий Корея:



тер инженеринг йўналиши бўйича магистратурада ўқийман. Менинг ва тенгдошларимнинг чет элларда ўқиши Мустиқиллик берган имкониятлардан бериридир. Бу бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Аввало Ватанни севиш керак. Унинг манфаатлари учун курашиш зарур.

Барча юртдошларимизни Мустиқиллик байрами билан чин дилдан табриклайман. Яхши ниятларига етиб юришларини, соғлиқ, қувонч, ишонч, бирдамлик, бахт, омад ҳар доим ҳамроҳлари бўлишини тилайман. Ўзбекистон деган ном бутун дунёни лолу ҳайрон қолдираверсин.

— 2007-2011 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университетидида информатика ва ахборот технологиялари йўналишида тахсил олганман.

Ҳозирда Жанубий Кореянинг Тегу (Daegu) шаҳридаги Ёнгнам (Yeungnam) университетидида компьютер

тер инженеринг йўналиши бўйича магистратурада ўқийман. Менинг ва тенгдошларимнинг чет элларда ўқиши Мустиқиллик берган имкониятлардан бериридир. Бу бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Аввало Ватанни севиш керак. Унинг манфаатлари учун курашиш зарур.

Барча юртдошларимизни Мустиқиллик байрами билан чин дилдан табриклайман. Яхши ниятларига етиб юришларини, соғлиқ, қувонч, ишонч, бирдамлик, бахт, омад ҳар доим ҳамроҳлари бўлишини тилайман. Ўзбекистон деган ном бутун дунёни лолу ҳайрон қолдираверсин.

— 2007-2011 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университетидида информатика ва ахборот технологиялари йўналишида тахсил олганман.

Ҳозирда Жанубий Кореянинг Тегу (Daegu) шаҳридаги Ёнгнам (Yeungnam) университетидида компьютер

тер инженеринг йўналиши бўйича магистратурада ўқийман. Менинг ва тенгдошларимнинг чет элларда ўқиши Мустиқиллик берган имкониятлардан бериридир. Бу бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Аввало Ватанни севиш керак. Унинг манфаатлари учун курашиш зарур.

Барча юртдошларимизни Мустиқиллик байрами билан чин дилдан табриклайман. Яхши ниятларига етиб юришларини, соғлиқ, қувонч, ишонч, бирдамлик, бахт, омад ҳар доим ҳамроҳлари бўлишини тилайман. Ўзбекистон деган ном бутун дунёни лолу ҳайрон қолдираверсин.

— 2007-2011 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университетидида информатика ва ахборот технологиялари йўналишида тахсил олганман.

Ҳозирда Жанубий Кореянинг Тегу (Daegu) шаҳридаги Ёнгнам (Yeungnam) университетидида компьютер

тер инженеринг йўналиши бўйича магистратурада ўқийман. Менинг ва тенгдошларимнинг чет элларда ўқиши Мустиқиллик берган имкониятлардан бериридир. Бу бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Аввало Ватанни севиш керак. Унинг манфаатлари учун курашиш зарур.

Барча юртдошларимизни Мустиқиллик байрами билан чин дилдан табриклайман. Яхши ниятларига етиб юришларини, соғлиқ, қувонч, ишонч, бирдамлик, бахт, омад ҳар доим ҳамроҳлари бўлишини тилайман. Ўзбекистон деган ном бутун дунёни лолу ҳайрон қолдираверсин.

— 2007-2011 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университетидида информатика ва ахборот технологиялари йўналишида тахсил олганман.

Ҳозирда Жанубий Кореянинг Тегу (Daegu) шаҳридаги Ёнгнам (Yeungnam) университетидида компьютер

тер инженеринг йўналиши бўйича магистратурада ўқийман. Менинг ва тенгдошларимнинг чет элларда ўқиши Мустиқиллик берган имкониятлардан бериридир. Бу бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Аввало Ватанни севиш керак. Унинг манфаатлари учун курашиш зарур.

Истиқлол имкониятлари

Уй тўйлари, кўнгил ўйлари

Мустиқиллик байрами арафасида жиззахлик 100 га яқин оила янги уйларга кўчиб ўтди

Мамлакатимиздаги янгиланишлар, ислохотларнинг амалий ифодаси юртдошларимиз турмуш фаровонлигида, яшаш даражасининг ортишида ўз аксини топмоқда. Ана шундай бунёдкорликлардан бири, бу — Президентимиз ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар барпо этилаётганидир.



— Мен бахтли инсонман — дейди, **Жиззах туманида истиқомат қилувчи Искандар ЖҲУРАБОВЕВ**. — Бундай қулай шарт-шароитлар биз — илм аҳли учун жуда муҳим. Ахир, ўзингиз айтинг, озода ва шинам, ёруғ хонадонингизда тинчлик, файз-баракат уфуриб тургандан кейин яна ҳам ғайрат ва шижоат билан ишлагинг, яшагинг келади-да?!

Янгиобод туманидан янги хонадон эгаси — халқ таълими бўлими мутахассиси **Ибодулло РАҲИМОВ** ўз хурсандчилигини қуйидагича баён этади:

— Бу чароғон ва шинам уйлар бизнинг қалбимизга ҳам ана шундай ёруғлик, бетакрор қувонч бахш этди. Менимча, инсон бахтли ҳаёт кечириши учун, аввало, ўз уйи бўлиши зарур. Уйим-жойим, деб яшайдиган халқимиз. Бундаги қулайликларни кўриб, хурсандчилигимни яширолмаёяман. Ҳар бир юртдошимиз

шундай уйларда қиз чиқарсам, ўғил уйлантириб, келин туширсам, деган орзуда яшайди. Яратилган бундай имконият ва шароитлар учун Президентимизга ўзим ва оиламнинг чексиз миннатдорлигини билдирмоқчиман.

Ҳақиқатан ҳам, мана бир неча йилдирки, бу борада кенг қўламли бунёдкорликлар республикамиз бўйлаб изчил давом этмоқда. «Қишлоққурилиш-инвест» инжиниринг компаниясининг маълумотиغا кўра, жорий йил давомида мамлакатимизнинг 353 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида жами 10000 та яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши амалга оширилади. Айни кунларда ушбу уй-жойларда асосий қурилиш-монтаж ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Обиддин МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎзХДП фаоллари

«Мен бахтли аёлман»

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Шаҳрихонсой» шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Тожибархон Юлдошевага умр дафтарини варақлаш фахри-ифтихор бағишлайди.

У Андижон давлат педагогика институтининг инглиз тили факультетини тугатиб, ўзи таълим олган Хўжаобод туман марказидаги 1-мактабда инглиз тилидан дарс бера бошлади.

Иш бошлаган дастлабки кунлариданоқ ўз устида ишлаш, ўқувчилар билан дарсдан кейин ҳам тўғарак машғулотлари олиб боришни одат қилди. Унинг ўқувчилари туман, вилоятда ўтказилган фан олимпиадаларида юқори ўринларни қўлга киритди. 1993 йилда уни 19-

мактабга ўтказишди. 2004 йилгача шу мактабда ёш авлодга сабоқ берди, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлади.

1993-2006 йилларда туман ҳокимлигининг тавсияси билан жамоатчилик асосида «Кўтарма» маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси бўлиб фаолият кўрсатди. Бу маҳалла «Энг намунали маҳалла» кўрик-танловининг вилоят босқичида совриндор бўлди.

Тожибархон меҳнатлари қадрланаётганига қарамай, ўз ишидан қониқмас, аҳоли ўртасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларидан кўнгил тўлмас эди. Шу боис маҳаллада оталар, оналар кенгашларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқиб, биринчи бўлиб ўз маҳалласида уни жорий этди. Бу тadbир самарасини бера бошлади: оилавий ажралишлар камайди. Оилаларда бўлиб турадиган мurosасизликлар, нотинч ҳолатлар барҳам топди.

Маҳаллада сабзавот кўчати етиштириш билан шуғулланмайдиган хонадон деярли топилмади. Оилавий тadbиркорлик оилавий бюджет мустаҳкамланиб бориши ҳаётини зарурат экани амалда кўринмоқда. Маҳалладаги хонадонларнинг ҳар учтасидан икkitаси енгил автотомашнага эга.

Худуддаги соғлом маънавий муҳит маслаҳатчи Тожибархон Юлдошевага янги куч, қанот бағишламоқда. У 2007 йилда энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи кўриктанловининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллади. Шу йили у «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.


Яқинда Тожибархон опа Президентимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан

бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида биноан «Эл-юрт хурмати» орденига сазовор бўлди.

— Мустиқиллик шарофати билан кейинги 20 йиллик фаолиятимда 2 марта давлат мукофотига муносиб кўрилдим, — дейди у. — Бу аввало, Президентимизнинг биз хотин-қизларга бўлган ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир.

Тожибархон Юлдошева турмуш ўртоғи Бахтиёрхон Юлдошев билан 6 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Болаларининг ҳаммаси олий маълумотли, уйли-жойли. У «Мен бахтли аёлман» дея баралла айта олади. Бу бахт, ҳаётдан мамнунилик ва шукроналик эса кишини янада улғу мақсадлар сари етаклайди.

Ортиқпўлат БОБОЖОНОВ,
ЎзХДП Хўжаобод туман кенгаши раиси
ўринбосари.



Ифтихор



ТОШКЕНТДА АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛГАНИГА 20 ЙИЛ ТЎЛДИ

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи мўқаррор!

Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қудрат ва шижоат бағишлайди.

Ислом Каримовнинг Сохибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанавда сўзлаган нутқидан.

Ижтимоий ҳимоя

Президент совғалари!

Биринчи синфга боришга тайёргарлик кўраётган болажонларимизнинг гапларини тинглаганмисиз? «Мактабга борсам, менга Президент совғаси берилар экан», дейишди улар кўзлари чакнаб.

Мана шу самимий сўзларда юртимизда амалга оширилаётган таълим ислохотларининг кўпами, салмоғи яққол намоён бўлади.

Бу йил мамлакатимиз мактабларининг биринчи синфларида 530 минг нафарга яқин болажонларимиз борар экан. Уларнинг ҳар бирига 12 номдаги дарслик ва ўқув куролларидан иборат Президент совғалари топширилади. Бунинг учун давлат бюджетидан 15 мил-



лиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган.

Асрор МҲИМ

Эртанги кун бизники, марра бизники!

Мустақиллик ниҳоллари

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини ривожлантириш, ёш ижрочиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 2000 йилда «Ниҳол» мукофоти таъсис этилган. Бу мукофот билан эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера ижрочилиги соҳасида асарлар яратётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар тақдирланиб келмоқда. «Ниҳол» мукофотининг 2013 йилги совриндорлари каторида тошкентлик Шерзод Ортиқов ҳам бор.



Биз ёшларга мана шундай имкониятларни яратиб бергани учун, аввало, Президентимизга чин дилдан раҳмат айтмоқчиман.

Қолаверса, менга ҳаётда, санъатда ўз ўрнини топишимга кўмакдош бўлган Мурод Тошмуҳамедов, Ўткир Қодиров, Эгамберди Турсунов ва бошқа барча устозларимдан миннатдорман. Улар менга мусиқа ва воқал ижрочилигидан сабоқ беришди, ҳаётда ҳалол яшашга, ўз ишимни виждонан бажаришга ундаб туришди.

Танловда «Дилдор билади» кўшиғини куйладим. У муҳлисларга, ҳайъат аъзоларига манзур бўлганидан бахтиёрман. «Ниҳол» мукофоти совриндори, деб эълон қилишгандаги ҳаяжонимни, кувончимни сўз билан ифодалаб бера олмаيمان. Энди-энди бу мукофот менга катта масъулият юклаганини ҳис қилаяпман. Шу мукофотга муносиб яшашим кераклигини, ижод қилишим лозимлигини чуқурроқ англаяпман. Менга билдирилган юксак ишонччи оқлаш учун шу азиз Ватанимни тараннум этувчи кўшиқлар куйлаш ниятидаман.

Шерзод ОРТИҚОВ,
«Ниҳол» мукофоти
совриндори.

Самарқанд шаҳрида 27 август куни «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур Форумда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган санъат намояндалари, мусиқашунослар ва бадий жамоалар иштирок этмоқда. Мухбирларимиз фестивал иштирокчилари билан суҳбатлашди.



Жаҳон узра янгра, Шарқ таронаси!

Фрэнки РАДЕН,
Ҳайъат аъзоси (Индонезия):

— Сизларга жуда ҳам ҳавасим келади. Мамлакатингизда Президент Ислом Каримов бошчилигида маданият ва санъатга катта эътибор берилаяпти. Мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимида биз санъаткорларга расмий тарзда эмас, жуда илиқ муносабатда бўлдилар. Мухтарам Президент ҳақиқатан ҳам самимий тилаклар билдирди. У кишининг мусиқа ва санъатни қадрлаши яққол кўриниб турибди. Бизга кўрсатилган юқори даражадаги меҳмондўстлик ва дўстона муносабатдан жуда ҳам таъсирландик.

Мен бу заминга илк мартаба келишим ва фестивалнинг очилиш кечаси меннинг дунёқарашимни ўзгартирди. Бу бекиёс санъат байрами келажакдаги ижодимга илҳом бағишлайди. Мен сизнинг жуда бой маданиятингиз борлигига амин бўлдим. Қадимий Регистон майдонидан турли жанрда янграган ўзбек мусиқаси намоён этилган рақслар мени яна бир бор хайратга солди.

Сашар ЗАРИФ,
Торонто университетининг профессори, хореограф (Канада):

— «Шарқ тароналари» фестивали мен учун жуда муҳимдир. Бу ерда турли хил маданиятларни учратиш мумкин. Менга Регистон майдони жуда ёқди. Бу тарихий жой одамга катта куч ва илҳом бағишлайди. Бундай туйғуни, айниқса, фестивал давомида ҳис қиласиз. Мен ҳар гал тажриба алмашиш ва дўстлар билан учрашиш учун бу ерга инти-

ман. Президент Ислом Каримовнинг нутқи барчамизни руҳлантирди. У кишининг иштироки, сўзлари байрамга алоҳида фойда, маъно-мазмун бағишлади. Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилаётган бундай улкан фестиваль гоёси — умуминсоний қадриятларни ўзида ифода қилгани учун ҳам йилдан йилга нуфузи ошиб бормоқда.

Брахим Ал МАЗНЕД:
«Timtar» фестивалининг бадий раҳбари (Марокаш):

— Биз байрам кечасини аjoyиб ўтказдик, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқи мени руҳлантирди. Халққа, бизга, ҳакамлар ҳайъатига ва кўп сонли меҳмонларга мурожаат этган сўзлари жуда илиқ, самимий бўлди. Бу унутилмас воқеа. Биз халқингизнинг юксак маданиятини акс эттирган аjoyиб концерт дастури оҳангларига шўнғиб кетдик. Тадбирнинг юқори руҳида тайёрлангани бизни хайратда қолдирди. Ташриф буюрувчи гуруҳлар сони ошмоқда. Битта шаҳарда ва саҳнада шунча иштирокчини жамлаш ҳам учрайдиган воқеа. Бу бой, аjoyиб маданиятнинг ранг-баранглигидан далолатдир.

Шандор САБО,
мусиқачи, бастакор, санъатшунос (Венгрия):

— Байрамнинг очилиш маросимини кўриб, фестивалнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини англаб етдим. Мен бу тантананинг шу қадар оламшумул аҳамиятга эга эканлигини сўз билан таърифлаб беролмайман. Фестиваль жуда

юқори даражада ўтди. Мухтарам Президент ҳақиқатан ҳам самимий сўзларни изҳор қилди. У кишининг мусиқа ва санъатга ҳурмат билан қарashi мени жуда қувонтирди. Ўз ватанимга қайтганимда мендан таассуротларимни сўрашса, мен ҳеч шубҳасиз, «Буни тасвирлашга тил ожиз», деб жавоб берарман. Бундан ташқари, мени Регистондаги обидаларнинг меъморий безаги, нақшлари лол қолдирди. Улар ҳақиқатдан ҳам гўзал. Юртингизда тарихий ёдгориликларни авайлаб, ўз тарихингизга ҳурмат билан қараётганингиз ҳам ибратлидир.

Дуо Бате ДАОУДА:
созанда, (Буркина Фасо):

— Самарқанд эртанги шаҳри деб бежиз таърифланмас экан. Буни фестивалга ташриф буюрган меҳмонлар ҳам ҳис этишди. Самарқанднинг нафакат шаҳри, балки кишлоқларида ҳам барпо этилган уйлари кўрдик, халқнинг юз-кўзидан бахтиёрлик, мамнуний сезилиб турибди. Бу ўлканинг табиати, манзараси ва тарихий обидалари, бастакор таассуротларни ҳаёда этади.

Рашид АЛИЕВ,
созанда (Озарбойжон):

— Фестиваль туғайли шаҳрингиз меҳмони бўлиб турибмиз. Бундай мухташам ва кўркем Регистон майдонидан миллий кўшиғимизни ижро этганимиздаги ҳаёжонни тасвирлаб бера олмаيمان. Бежизга фестиваль айнан Самарқандга ўтказилмаётган экан. Унда иштирок этиш бахт.

Насиба СОБИРОВА,
Альбина ЖУМАНОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари.

«Шарқ тароналари — 2013»

Шарқ мусиқа анъаналари — олимлар нигоҳида

«Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивали доирасида «Шарқ мусиқа анъаналари замонавий маданият тизимида» мавзусида халқаро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

ЮНЕСКО Бош директори И.Бокова, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги М.Ҳошимов ва бошқалар Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дунё халқлари миллий мусиқа санъати тарихи, анъаналари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Тадбир доирасидаги халқаро конференциялар ҳам ушбу мақсадга хизмат қилиб, санъатшунос олимларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишига имконият яратмоқда.

Конференцияда Германия, Норвегия, Россия, Канада, Хиндистон, Япония, Корея Республикаси, Миср, Туркменистон каби мамлакатлардан таниқли мусиқашунос ва тарихчи олимлар, санъаткорлар маърузалар билан иштирок этди.

— Бастакор ва мусиқашунос сифатида венгер халқининг миллий кўшиқ ва оҳанглари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бораман, — дейди венгриялик мутахассис Шандор Сабо. — Илгарикиларимиз давомида Шарқ халқлари, жумладан, Марказий Осиё

мусиқа маданияти тарихи ва анъаналарини ҳам ўргандим. Мақомлар билан танишиш жараёнида венгер халқининг қадимий кўшиқларида уларнинг айрим элементлари мавжудлигини англадим. Анжуманда айнан шу мавзуда маъруза қилиб, бошқаларнинг фикрлари билан қизиқдим. Шарқ халқлари мусиқа мероси гоё бой ва серкирра эканига амин бўлдим.

Конференцияда Шарқ мусиқа санъати тарихига оид кенг қўламли умумий назарий масалалар билан бир қаторда, мустақиллик йилларида ёрқин намоён бўлган Ўзбекистон мусиқа санъатининг ривожланиш йўналишлари, қадимий ва замонавий мусиқа маданиятини уйғунлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбек мусиқаси буюк олимлар ва уларнинг хорижий ҳамкасблари томонидан бутунжаҳон маданиятининг ажралмас қисми сифатида ривожланиш босқичларини бошидан кечираётгани, ўзининг ноёб ва бетакрор тарихига эга бўлган санъат намунаси экани қайд этилди.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

Эътироф

Ўзбекистонликларга қавас қиламан

КИМ Эл Жунг,
Корея Кураш Федерацияси Президенти, IKA ҳаками:

— Ҳамма учун тугилиб ўсган жойи Ватан ҳисобланади. Бу табиий албатта. Лекин Ўзбекистон менинг иккинчи Ватанимдир.

2001 йилда Ўзбекистонга кураш мусобақасини кузатиш учун келгандим. Курашни ўрганиш учун, энг аввало, ўзбек тилини ўргандим. Ҳозирда дунёнинг 120 дан ортиқ давлатига ўзбек кураши билан бирга ўзбек сўзлари, тарихи ва маданияти кириб бормоқда.

Кореяда ҳам курашга бўлган қизиқиш жуда баланд. Ҳозирда эркаклар билан бир қаторда аёллар, ёшлар ва қизлар ҳам ушбу спорт тури билан шуғулланмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ҳукуматининг спортга



давлат сиёсати даражасидаги эътибори натижасидир. Халқларимиз орасида кўплаб ўхшашликлар бўлса-да, меҳмондўстлик, меҳор-оқибат, самимийлик бора-бора ЎЗБЕКИСТОНликларга ҳавас қиламан.

Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллиги барчангизга муборак бўлсин!

Олександр ПИШУР,
«Бунёдор» ҳужумчиси, Украина:

— Мустақиллик жуда жуда қадрили байрам! Буни ҳар бир инсон чуқур англаши керак. Ҳали ҳам кимларнингдир қарамонидан кун кечираётган мамлакатлар бор. Улар бир умр мустақиллиқни истаб, унга интилиб яшайдилар. Шундай экан, бу олий неъматни қадрламоқ ва уни асраш зарур. Тинчлик ва оқойиш-талиқ ўрнатилган мамлакатга байрам ярашади. Ўзбекистондаги фаолиятим 2013 йилга тўғри келиб, юртингиз билан айнан шу йили яқиндан танидим. Болалигим Ангрен шаҳрида ўтган. Ҳозир ҳам қариндошларим бу заминда истиқомат қилишади. Улар мустақиллик байрамини кенг шодона ила қарши олишини илгари эшитганман ва яқинларим бу ҳақда жуда кўп гапириб бе-



ришган. Бу йил ушбу байрам тантаналарида ўзим ҳам иштирок этиб, барчасига гувоҳ бўламан.

Ўзбек халқига дилимда бор зғу тилақларимни тилаган ҳолда барчани мустақиллигининг 22 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод етатман!

«Ўзбекистон овози»
мухбири
Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ
тайёрлади.

Футбол



Ўзбекистон, Панама, Марокаш, Хорватия

Абу-Дабби шаҳри (Бирлашган араб амирликлари — БАА)да шу йил 17 октябрдан 8 ноябргача ўсмирлар (U-17) ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатида қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Қуръага кўра Дилшод Нуралиев мураббийлигидаги мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси «С» гуруҳидан жой олди. Рақибларимиз Хорватия, Марокаш ва Панама ўсмирлар терма жамоалари бўлди.

Ҳужумлар таркиби билан танишинг:

«А» гуруҳи. БАА, Гондурас, Бразилия, Словакия.
«В» гуруҳи. Уругвай, Янги Зеландия, Кот д'Ивуар, Италия.

«С» гуруҳи. Хорватия, Марокаш, Панама, Ўзбекистон.

«Д» гуруҳи. Тунис, Венесуэла, Россия, Япония.

«Е» гуруҳи. Канада, Австрия, Эрон, Аргентина.

«Ф» гуруҳи. Мексика, Нигерия, Ироқ, Швеция.

Гуруҳларда 1-2 ўринлардан жой олганлар ва яхши натижа билан 3-ўринни эгаллаган тўртта жамоа жаҳон чемпионатининг нимчорак финалида курашни давом эттиради.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига

Чжан СЯО:

«Мустақиллик йилларида
Ўзбекистон улкан ютуқларни
қўлга киритди»

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Чжан СЯО билан суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистонда истиқлол йилларида давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар самараларини қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги буюк давлат сифатида минтақада ва умуман, бутун дунёда тинчлик, осойишталик ва тараққиётни таъминлашга жуда муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан буён ўтган 22 йил мобайнида Президент Ислом Каримовнинг оқилона раҳнамолигида ўз мақсадларига мос ривожланиш йўлини танлади ва ундан оғишмай, изчил бормоқда. Бунинг натижасида давлат мустақиллиги, суверенитети ва ҳавфсизлиги таъминланмоқда, замонавий иқтисодий индустрия шакллантирилди, қатор йиллардан буён ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларининг 8 фоиздан юқори бўлиши таъминланмоқда. Мамлакатингиз мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Ўзбекистонда ҳар йили кишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилаётгани ички бозорни тўлқин таъминлаш ва экспорт ҳажмини ошириш имконини бермоқда. Буларнинг барчаси Марказий Осиё мамлакатлари, шунингдек, бутун жаҳонда кўпчиликнинг ҳавасини тортмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон раҳбарияти халқ ҳаётини янада яхшилашга алоҳида эътибор бериб, ҳар йили ижтимоий соҳага давлат бюджетининг 60 фоиздан ортигини йўналтирмоқда.

— Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқбол ҳақида нима дея оласиз?

— Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 21 йил бўлди. Ўтган

Президент Ислом Каримов Мустақкам оила йилидан сўнг 2013 йилни Обод турмуш йили, деб эълон қилди. Бу борада қатор аниқ чора-тадбирлар қабул қилинди. Кишлоқни комплекс ривожлантириш, замонавий уй-жойлар қуриш, ёшларнинг ишга жойлаштиришга кўмаклашиш борасидаги изчил ишлар шулар жумласидандир. Амалга оширилаётган мазкур ишлар самарасида улкан иқтисодий ва ижтимоий натижаларга эришилмоқда, жамиятда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Бундай хайрли ишлар Ўзбекистон халқи томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистон минтақада «уч ёвуз куч»га қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликда фаол иш олиб бормоқда, минтақавий инфратузилмани барпо этиш ва Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Мамлакатингизнинг минтақада тинчлик, ҳавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашдаги иштироки тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу тариқа Ўзбекистоннинг буюк давлат сифатида халқаро майдондаги нуфузи муттасил ошиб, жаҳон ахлининг кенг эътирофига сазовор бўлмоқда.

— Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқбол ҳақида нима дея оласиз?

— Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 21 йил бўлди. Ўтган



давр мобайнида икки томонлама муносабатларимиз изчил ва муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Давлатларимиз раҳбарларининг олий даражадаги ташрифлари тобора фаоллашиб, ўзаро сиёсий ишонч мустаҳкамланмоқда, ҳавфсизлик соҳасида самарали ҳамкорлик, халқларимиз ўртасидаги алоқалар изчил кенгайиб бормоқда. Мамлакатларимиз халқаро ва минтақавий масалаларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда ва бу борада уларнинг позициялари кўп жиҳатдан бир-бирига мос келади. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Президент Ислом Каримовнинг 2012 йилда Хитойга давлат ташрифи чоғида давлатларимиз раҳбарлари икки томонлама муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини эълон қилдилар. Бу халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ғоят муҳим даври бошланганидан далolatдир. Бугунги кунда Хитой Ўзбекистоннинг энг йirik инвестициявий ва савдо ҳамкорларидандир. Бундай яқин ҳамкорлик мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига жуда мосдир.

Айни пайтда ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам жадал ривожланмоқда. 2012 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми икки томонлама муносабатлар ўрнатилган пайт-

дан буён илк бор 2,875 миллиард долларга етди. 2013 йилнинг биринчи ярмида товар айирбошлаш 52 фоиз ўсди. Нохомашё ва инвестиция соҳаларида ҳам икки томонлама ҳамкорлик изчил кенгайиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради. «Жиззах» махсус индустриал зонаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу Ўзбекистон томонидан инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган муҳим стратегик чора-тадбирлардандир. Айни пайтда ушбу инфратузилма қурилиши ниҳоясига етмоқда. Мазкур лойиҳа ўзаро амалий ҳамкорлигимизнинг янги босқичини бошлаб бериши, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилишига ишонаман.

Хитой Ўзбекистонни ҳар доим ўзининг Марказий Осиёдаги муҳим ва ишончли шериги, деб билади. Ўзбекистон билан муносабатларга ўз ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида қарайди ва уни ҳар томонлама ҳамда изчил ривожлантиришдан манфаатдордир. Хитой томони мамлакатларимизда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга йўналтирилган ҳамкорликни бундан кейин ҳам мустаҳкамлашга тайёр.

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали

ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— «Шарқ тароналари» бутун дунёга йirik халқаро мусиқа фестивали сифатида танилди. Жаҳонга машҳур кўплаб санъаткорлар ва нуфузли халқаро маданият ташкилотларининг вакиллари унда иштирок этади. Бугун ушбу фестиваль Ўзбекистоннинг бой тарихи ва миллий маданияти билан яқиндан танишиш учун ўзига хос восита, дунё, айниқса, Осиё мамлакатлари учун маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги муҳим имкониятидир. Хитой томони мазкур тадбирда кўп йиллардан буён фаол иштирок этиб келаётган ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр.

1 сентябрда Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг 22 йиллиги кенг нишонланади. Ушбу сана ўзбек халқи учун ҳақиқатан ҳам энг улуг, энг азиз байрамдир. Фурсатдан фойдаланиб, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда улкан муваффақиятларга эришаётган доно ва меҳнатсевар халқингизни ушбу байрам билан самимий табриқлайман. Ўзбекистонга раван, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

ЎЗА мухбири
Анвар САМАДОВ
ёзиб олди.

Солиқ тизими

Интерактив
хизматлар

аҳолига қулайлик
туғдирмоқда

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиб, улар давлат органлари фаолиятига изчил татбиқ этилмоқда.

Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz расмий веб сайти солиқ хизмати органлари ва интерактив хизматлар ҳақидаги маълумотларнинг асосий манбаси ҳисобланади. Бугунги кунда бу сайт орқали 23 турдаги интерактив ва бошқа кўплаб электрон хизматлар кўрсатилмоқда. Улар орасида энг оммалашгани «Электрон солиқ ҳисоботларини қабул қилиш» интерактив хизматидир.

Бу ҳақда Бухоро вилояти мисолида фикр юритадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятимиз бўйича 12005 та юридик шахс томонидан 107207 та ҳисобот электрон шаклда юборилган. Эътиборли жиҳати, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси таъминланиб, солиқ тўловчиларга тўғридан-тўғри ҳудудий ДСИлар билан боғланиш имконини бермоқда.

Солиқ тўловчилар ҳозирги вақтда давлат солиқ инспекцияларига бормасдан туриб, электрон имзо орқали компьютерда шахсий ҳисоб варақасидаги ортиқча тўлов, товон суммаларини кўриш, шу билан бирга солиқ қонунчилиги бўйича режали текширишга қўйилган давр ва қайси назорат органлари томонидан амалга оширилиши ҳамда уларнинг текшириш жараёнида ўрганиладиган текшириш саволномаларини олиш имкониятлари мавжуд.

ДСК томонидан кўрсатилган интерактив давлат хизматларига вилоятимиз бўйича жорий йилнинг 1 январидан ҳозирга қадар 71460 та фойдаланувчи томонидан 1309845 мартаба мурожаат қилинган. Бундан ташқари, ушбу йилнинг ўтган даври мобайнида интерактив давлат хизматларидан бири саналган «электрон ҳисобот интерактив хизмати» бўйича вилоятимиздаги 13552 та корхонанинг 83 фоизи анча аввал ҳисоботларни масофадан туриб электрон тарзда топширишга ўтгани ҳам ушбу хизматларнинг халқимизга яқин кўмакчи бўлаётганидан дарак бермоқда.

Аваз РАЖАБОВ,
Бухоро вилоят ДСБ бўлим бошлиғи.

Реклама

«URGANCH YOG'-MOY»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

сизларни мамлакатимиз

Мустақиллигининг 22 йиллик

шодиёнаси билан

муборакбод этади!

Юртимиз ҳамisha тинч,
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Реклама

БАНК КРЕДИТЛАРИ ЭВАЗИГА

янги иш ўринлари яратилмоқда

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлашга банклар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан «Агробанк»нинг Қорақалпоғистон республика бошқармаси шаҳар ва туман филиаллари томонидан жорий йилнинг 1 август ҳолатига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 16 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Натижада 1400 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Банк бошқармаси жорий йилнинг ўтган даврида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчиларга 4 миллиард сўм миқдорда, ноо-зиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга 3 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратди.

— Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда биз ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик, — дейди «Абдибек-Тахта» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Тамара Сейтнийзова. — Бу борада бизга «Агробанк»нинг 95 миллион сўм миқдордаги кредити катта кўмак берди. Маҳсулотни қайта ишловчи ускуна сотиб олдик. Шунингдек, корхонамизда 7 киши иш билан таъминланган бўлса, улардан 3 нафари коллеж битирувчиси.

Банк томонидан тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш

учун жорий йилнинг 1 август ҳолатига жами 1,3 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилди.

Қорақалпоғистон Республикасида йирик саноат корхоналари анчагина. Уларнинг бир маромда фаолият кўрсатиши, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши нафақат мамлакатимиз иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади, балки ҳудудда кўплаб иш ўринлари яратилишига, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилади. Бунинг учун англаган «Агробанк»нинг Қорақалпоғистон республика бошқармаси ва филиаллари бундай корхоналарни доимий равишда молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбир-



лар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 8,5 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Натижада ҳудудда бир қанча саноат корхоналари иш

бошлаб, юзлаб янги иш ўринлари ташкил этилди.

«Агробанк» аграр секторни тарққий эттириш, хусусан, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг жадал ривожланиши, уларнинг истиқ-

болли лойиҳаларини молиялаштиришга ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. Айни пайтда банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан 2 мингдан зиёд фермер хўжалиқлари ва корхоналарга хизмат кўрсатиб келинмоқда. Қишлоқ хўжалиғи корхоналарининг моддий-техник базасини кучайтириш, чорвачилик, паррандачилик ва балқичилик соҳаларини ривожлантириш учун 2013 йил 1 августига қадар барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 4,9 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилгани эса фикримизни тасдиқлаб турибди.

Жумладан, банкнинг молиявий мадади билан ҳудуддаги қишлоқ хўжалиқ корхоналари 7 дона «УТО-1302» русумли хайдов трактори, 2 та «Беларусь-80Х» русумли хайдов трактори, 6 дона «ТТЗ-80», «ТТЗ-100» русумли хайдов тракторлари ва эҳтиёт қисмлар харид қилди.

Хулоса қилиб айтганда, «Агробанк»нинг Қорақалпоғистон республика бошқармаси ва унинг филиаллари томонидан ажратилаётган молиявий маблағлар эвазига ҳудудда ишлаб чиқариш, сервис соҳалари жадал ривожланимоқда, аҳоли, айниқса, ёшлар иш билан таъминланмоқда.

Мирбаҳтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



«ORZU OSH TUZI»

масъулияти чекланган
жамияти жамоаси

юртдошларимизни

энг улуг, энг азиз

байрамимиз —

мамлакатимиз

мустақиллигининг

22 йиллиги

муносабати билан

муборакбод этади!



ТЕРМИЗ НЕФТЬ БАЗАСИ

унитар корхонаси
жамоаси

юртдошларимизни

энг улуг, энг азиз байрам —

МАМЛАКАТИМИЗ

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

22 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА

нефть ва газ саноати ходимларини

яқинлашиб келаётган касб байрами

билан муборакбод этади!

Юртимиздаги тинчлик, осойишталик, хонадонларимиздаги файзу барака, кўнгилларимиздаги шодлик ва шукроналик бардавом бўлсин!

Она диёримиз узра нур сочиб турган ҳуррият қуёши тоабод порлаб турсин!

**БАЙРАМ КАЙФИЯТИ
СИЗЛАРНИ АСЛО
ТАРК ЭТМАСИН!**



Ният — холис, марра — юксак!



Мўсинжон Меҳмонов мутахассислар гуруҳи билан излашдан тўхтамади. Янги лойиҳалар устида экспертлар билан пухта ишлади.

2010-2011 йиллар давомида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида Ўзбекистон — Буюк Британия «FERGANA CEMENT» қўшма корхонасини ташкил этиб, цемент ишлаб чиқариш ишлари олиб борилди.

Нижоят, бу технология 2013 йил май ойида ишга тушди. Ушбу қўшма корхонага техник хизмат кўрсатувчи янги корхоналар очилиши билан яна 260 та иш ўрни яратилди. Ёки юқоридаги ишларни амалга ошириш билан жами 510 нафар қишлоқ ёшлари учун иш ўринлари яратишга эришилди.

Холис ният ва ҳалол меҳнатдан топилган даромаднинг салмоқли қисмини корхона жамоасининг яқдид қарори билан



мал таъмирланиб, замонавий қўрилишдаги озик-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари дўкони, сартарошхона, қассобхона, маҳалла идораси ишга туширилди ҳамда ҳамма қулайликларга эга бўлган маҳалла гузари барпо этилди.

Қувасой шаҳар «Исфайрам-сой» маҳалла қабристони атрофини гишт девор билан ўраш, дарвоза ўрнатиш, айвон қуриш ишларига 31 млн. сўм, «Кокилон» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Ўрикзор, Кокилон қишлоқлари қабристонларининг ободонлаштирилишига 23 млн. сўм сарфланди.

Бундан ташқари, корхона жойлашган Исфайрамсой қишлоғида истиқомат қилувчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган Алижон Шокиров, Қирғизбой Алимбековларнинг жанг майдонларидаги жасоратлари, бугунги кундаги намунавий ҳаётлари сабабли улар корхонанинг фахрий аъзоларига қабул қилинди ва уларга ҳар ойда 350 минг сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилмоқда.

— Мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш муқаддас бурчимиздир, — дейди «INDUSTRIAL CONSULTING GROUP» МЧЖ бош директори Мўсинжон Меҳмонов.

Шифер ишлаб чиқариш корхонасида сўзловчи Абдулла Низомов, сараловчи Шохрух Усмонов, чилангар Жаҳонгир Дадабоев каби пешкадамларнинг суратлари эҳтиром бурчагидан жой олибди.

— Уларнинг ҳаммаси — шу қишлоқ ёшлари. Лекин кўряписими, қанчайин фидойилик билан меҳнат қилаётганлари

си ҳозирча 400-Д-О маркали, яъни шифер учун зарур хомашё бўлган мустақамлиги юқори маҳсулот етказиб берибди. Биринчи печь (хумдон)нинг ўзида кунига 200-220 тонна юқори сифатли цемент ишлаб чиқарилапти. Йил охиригача иккинчи печь ҳам маҳсулот бера бошлайди, — дейди корхона раҳбарининг ўринбасари Жаҳонгир Фаниев.

Мўсинжон Меҳмонов интилиш, изланишдан толмайди. Шу кунларда яна бир лойиҳа амалга ошириляпти. Темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасига асос солинди. Хитойдан технологик линия, шу соҳага дахлдор машина-механизмлар келтирилди.

— Мақсадимиз Ўзбекистон Мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб совға билан қутиб олишдир, — дейди корхона бош механиги Йўлдошали Абдуллаев. — Энг улуғ байрам кунигача дастлабки маҳсулотни чиқарамиз.

Ҳа, эзу мақсад йўлидаги интилиш бу меҳнат жамоасига ана шундай қувончли ютуқларни ҳада этмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Фарғонадан Қувасойга кираверишда катта магистрал йўлнинг ўнгү сўлида илгари қир-адир ва яйдоқ майдон ўрнида иккита янги қурилган корхона ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бирида 230-250 нафардан ишчи-хизматчи меҳнат қиляпти.

— Дунёнинг ишларини қаранг, — дейди Ҳамро ота мамнуният билан. — Отам умр бўйи сартарошлик қилган. Мен ҳам шу касб орқасидан болачака боқдим. Аммо шўро даврида сартарош учун кичик бир хонанинг эгаси бўлиш ҳам мумкин эмасди. Ҳозир эса қобилиятинг бўлса, тадбиркорлик, ишбилармонлик учун ҳамма эшиклар очик. Ўшанда шифер, цемент ишлаб чиқарадиган заводларни қуриб, мулк эгаси бўласан, деса ким ишонар эди бу гапларга. Шу кунларга етказганига шукр!

Ҳамро отани Ўрикзор қишлоғида ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Тўғрисиқлик, ҳалол-поклик билан умргузаронлик қилмоқда. Эл-юрт равнақиға

ҳисса қўшаётган инсонларни ҳамда ҳукумат қарорларида кўрсатилган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликка, хорижий инвесторларга яра

— Барака топсин шу йигит, — дея фахр билан гапира кетди Ҳамро ота. — Эшитишимча, Қувасойдаги боғ учун боғлар мириқиб дам олсин деб, корхона ҳисобидан 80 миллион сўмга аттракционлар сотиб олиб берибди...

2006 йили Қувасой шаҳридаги молиявий танг аҳволга тушиб, ўз фаолиятини тўхтатган «82-Кўча механизациялашган колонна» масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди, янгидан 49 та иш ўрни яратилиб, таъсисчилар маблағи ва банк кредитларини жалб қилган ҳолда қайтадан ишга туширилди.



тилган қулай имкониятлардан фойдаланган ҳолда «82-Кўча механизациялашган колонна» МЧЖ фаолиятини жадаллаштиришга эришилди ва корхонада бажарилган ишлар ҳажми йил сайин ошиб борди.

Сўнгги уч йилда 6 миллиард 30 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди. Шу давр ичида бюджетга тўловларнинг ўзи 348 миллион сўмни ташкил этди.

Бутун дунёда молиявий инқироз ҳукм сураётган бир даврда мамлакатимизда ишлаб чиқилган стратегия натижасида қўшма корхонада ишлаб чиқариш суръатлари йил сайин ошиб борди. Агар 2010 йилда 11 миллиард сўмлик шифер маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йилга келиб у 27,2 миллиард сўмликка етди.

қишлоқлардаги ижтимоий инфратузилмани янада мустаҳкамлаш, кам таъминланган оила-лар, жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда.

Футболни ривожлантириш, мактабларни таъмирлаш, шифоналар қурилиши, ёш оила-ларга моддий ёрдам кўрсатиш каби қатор хайрия ишларга ўтган 2011-2012 йиллар давомида 590 миллион сўм маблағ ажратилди. Мана бир неча мисол. Ўтган йили Қувасой шаҳар, Ўрикзор қишлоғидаги мактаб биноси замонавий талаб-лар даражасида таъмирланди, газ, сув ва иситиш тармоқлари янгиланиб, мебеллар, ўқув жиҳозлари ва компьютерлар билан тўлиқ жиҳозланди.

Қишлоқ марказидаги дўкон ва чойхона бинолари мукам-

Кичик бизнес субъектлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯҒОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот-1.

Лот-1-2. «Бувайда тумани, Ибрат ҚФЙ Маслаҳат қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — 330 598 800 сўм ҚҚС билан;
275 499 000 сўм ҚҚС сиз.

Лот-2.

Лот-2-4. «Қува тумани, Ўтлобод ҚФЙ Зиёкор қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — 180 606 900 сўм ҚҚС билан;
150 505 900 сўм ҚҚС сиз.

Муддати — 1.09. 2013 йил.

Қурилиш ишлари Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси, 37, **телефон:** (373) 400-52-80.

Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, мо-

лиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар

қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиши мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373) 244-55-32.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб қуни ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, **Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй** манзилида ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ҲАҚИЯТ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ ҲАҚУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБАСАРИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБАСАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— ариза (ўрта махсус, касб-хунари таълими бошқармаси бошлиғи номига);
— сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
— маълумоти ҳақидаги ҳужжат нусхаси;
— илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатлар нусхалари (мавжуд бўлса);
— илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
— 4хб ўлчамдаги 4 донна фотосурат;
— директор ўринбасари лавозимига номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режиси (концепция).

Ҳужжатлар 2013 йилнинг 10 сентябрга қадар Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунари таълими бошқармасининг 107-хонасига топширилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.

Телефон: 252-23-35.

Тошкент шаҳар маданият ҳодимлари бирлашган қасаба уюшма қўмитаси жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашевага онаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Тўхтаҳон аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Имкониятлар бир хил

Миллий чемпионатимизда пешқадам бўлиб турган «Локомотив» футболчилари 17-тур ўйинида ютқазиб қўйди. Бу тур учрашувларида ғалаба қозонган «Бунёдкор» ва «Насаф» клублари эса чемпионатимизда қўш пешқадамга айланди.

17-тур натижалари: «Навбахор» — «Динамо» — 1:1, «Олмалик» — «Металлург» — 2:1, «Бухоро» — «Шўртан» — 3:2, «Гулистон» — «Пахтакор» — 2:3, «Қизилқум» — «Локомотив» — 1:0, «Бунёдкор» — «Нефчи» — 1:0, «Насаф» — «Сугдиёна» — 4:2.


Чемпионатда «Бунёдкор» ва «Насаф» клублари 41 тадан очко тўплаган ҳолда пешқадамлик қилишмоқда. Учинчи ўриндан жой олган «Локомотив»да 39, тўртинчи поғонада келаётган пахтакорчиларда 31 очко бор.

Футбол

«O'zbekinvest Hayot» сугурта компаниясининг 076728, 076750, 076751, 076752, 076753, 076754, 076755, 076756, 076757, 076758, 076759 ва 076760 рақамли сугурта полислари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2013 йил 27 август, 101-102 сонидан берилган «Ўзбекистон миллий банки: ишончли ва барқарор» мақоласидаги банкнинг 2013 йил 1 июлдаги ҳолатига қўра кредит портфелининг тармоқлар бўйича тузилиши диаграммаси қуйидагича ўқилсин.



Реклама

Qishloq Qurilish Bank

Юрtdошларимизни Мустақиллик куни билан қутлайди.

Ушбу энг улуғ, энг азиз

байрам ҳар бир хонадонга

тинчлик-попувлик, сўҳаб-саломатлик олиб келсин.



«Қишлоқ қурилиш банк»

пластик карточкалари -
ўз вақтини қадрлайдиган
ва маблағлари ишончли
сақланишини
хоҳлайдиганларга!

Қишлоқ қурилиш банк - фаровон ҳаётингиз хизматида!

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-47, 150-39-93
www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Сўҳабдафё билан

«YUBILEYNIY»

SAVDO MARKAZI

*Ҳамюртларимизни мустақиллик
байрами билан табриклайди.*

22 yil

Барчангизга тинчлик-
омонлик, бахт-саодат,
мустаҳкам соғлик, эл-юрт
фаровонлиги йўлидаги эзгу
ишларингизда
муваффақиятлар тилайди!

АЙЁМ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

«ҚЎНҒИРОТ СОДА» заводи жамоаси

халқимизни мустақиллик айёми
билан табриклайди!

Юртимиз ҳамиша тинч,
Ватанимиз обод, халқимиз
турмуши фаровон бўлсин.

**Байрамингиз қутлуғ бўлсин,
азиз юрtdошлар!**

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Faruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoauchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846
10561
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 00.00
Toshirilgan vaqti — 00.00


Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 5



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI